

**Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати
ходимлари касаба уюшмасининг
IV ҚУРУЛТОЙ
ҚАРОРИ**

2025 йил 8 август

№ IV-1

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси
Республика Кенгашининг 2020 йил августдан 2025 йилнинг августигача
бўлган даврдаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи ва тармоқ касаба
уюшмаси ташкилотларининг келгусидаги вазифалари тўғрисида**

Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Уставининг 8.3-бандига мувофиқ “Тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгашининг 2025 йил августдан 2025 йилнинг августигача бўлган даврдаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи ва тармоқ касаба уюшмаси ташкилотларининг келгусидаги вазифалари тўғрисида”ги маърузани тинглаб ва муҳокама қилиб IV Қурултой

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг 2020 йил августдан 2025 йилнинг августигача бўлган даврдаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи ва тармоқ касаба уюшмаси ташкилотларининг келгусидаги вазифалари тўғрисида”ги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин (илова қилинади).

2. Тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгашининг 2025 йил августдан 2025 йилнинг августигача бўлган даврдаги фаолияти **қоникарли** деб топилсин.

3. Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг келгусидаги давр учун вазифалари сифатида қуйидагилар қабул қилинсин:

Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш соҳасида:

жамоа шартномаларининг сифатини ошириш ҳамда таъсирчанлигини кучайтириш, уларнинг тармоқ макетларига мувофиқлигини таъминлаш;

жамоа шартномаларининг бажарилиши мунтазам равишда таҳлил ва назорат қилиниб борилишини, меҳнат жамоасига ўз вақтида ҳисоботлар бериб борилишини таъминлаш;

корхоналарда меҳнат соҳасида асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқлар, халқаро меҳнат стандартлари ва миллий қонунчилик ҳужжатлари талабларига оғишмай риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

Меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида - иш берувчилар билан ижтимоий шериклик асосида:

иш ҳақининг меҳнатга ундовчи ролини кучайтиришга, унумдор ва сифатли меҳнатни рағбатлантирувчи омилларни яратишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиб борилишига;

меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида асоссиз табақаланиш ва камситилишларни бартараф қилинишига, корхоналарда энг кам иш ҳақи миқдорларига риоя этилишига, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг тариф ва тариф усти қисмлари ўртасида мақбул нисбат ўрнатилишига;

маҳсулот ишлаб чиқариш, етказиш ва сотиш бўйича ҳаражатлар таркибида меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантириш, ишчи кучини сақлаш ва қайта тиклаш учун сарфланадиган тўловлар, имтиёзлар ва ҳаражатларни иш берувчилар билан ҳамкорликда таҳлил қилган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг жамоа-шартномавий ва тариф тизими такомиллаштирилишига;

ҳодимнинг иш ҳақини вақтида олиш ҳуқуқини таъминлашда, маошни кечиктириб тўлаш амалиётига барҳам беришда иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликка йўл қўймаслик борасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича касаба уюшмаларининг ҳаракат тартибида бошланғич ташкилотлар ваколатларига киритилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида:

жойларда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиниши ҳамда хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларининг яратилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш;

корхона ва ташкилотларда иш берувчилар томонидан иш ўринларини белгиланган тартибда ва муддатларда аттестациядан ўтказиш ва меҳнат шароитларини паспортлаштириш, ходимларга салбий таъсир этувчи омилларни камайтириш, амалдаги меъёрларга мувофиқ тарзда ишловчиларни ҳимоя воситалари, ускуналар ва санитар-маиший хоналар, даволаш-профилактика озик-овқатлари билан тўлиқ таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилишига эришиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш шароитларини яхшилаш масалалари бўйича касаба уюшмаси қўмиталари, уларнинг комиссиялари ва ваколатли вакилларининг фаолиятларини таҳлил қилиб бориш, малакаларини ошириш, илғор тажрибалар ва самарали янгича иш услубларининг оммалаштирилишини йўлга қўйиш.

Хотин-қизлар, ёшлар ва юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа ходимлар ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасида:

хотин-қизлар, ёшлар ва юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда жамоа шартномалари имкониятларидан кенг фойдаланиш;

касаба уюшмаларининг хотин-қизлар ва ёшлар билан иш олиб боровчи комиссиялари фаолиятини янада кучайтириш;

меҳнат муносабатлари доирасидаги барча масалалар бўйича гендер тенглигини таъминлаш.

Ҳуқуқий ҳимоя ва ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш соҳасида:

касаба уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий саводхонлиги, сиёсий маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, уларнинг хилма-хил ҳуқуқий ахборотлардан кенгроқ фойдаланиш имкониятларини яратиш;

ходимларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида касаба уюшмалари ваколатлари доирасидаги аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

фуқароларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлаш амалиёти қонун талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлаш.

Маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш соҳасида:

маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини меҳнаткашлар онгига сингдириш ва кенг тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

корхона ва ташкилотларда “Маърифат соатлари”ни мунтазам равишда ўтказилишини таъминлаш;

касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан белгиланган режаларга мувофиқ ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўрнатилган тартибда соғломлаштирилишини таъминлаш;

корхона ва ташкилотларда спортнинг оммавийлигини, ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва таъминлаш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш.

Касаба уюшмаси маблағлари ва мулкidan оқилona фойдаланиш соҳасида:

касаба уюшмаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишда амалдаги қонунлар, касаба уюшмаси Устави, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар ва низомлар талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш;

касаба уюшмаси мулки ва маблағларидан фойдаланиш, уларни сарфлаш ва сақлаш юзасидан ошкоралик ва коллегияликни таъминлаш.

Касаба уюшмаси тизимини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш соҳасида:

цах касаба уюшмаси ташкилотлари, касаба уюшмаси гуруҳлари фаолиятларини мувофиқлаштириб бориш, устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган ишларнинг таҳлили ва мониторинг тизимини йўлга қўйиш;

касаба уюшмаси ташкилотлари органларига малакали ва иқтидорли кадрларни, айниқса ёшларни ва хотин-қизларни кенг жалб этиш, қуйи касаба уюшмаси органларига кадрлар заҳираларини шакллантириб бориш.

4. Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларига:

Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси IV Курултойида билдирилган танқидий фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, 2025–2030 йиллар учун чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, бажарилишни доимий назоратга олиш ва қўмита йиғилишларида муҳокама қилиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашига топширилсин.

Раислик қилувчи



И.Исоқов